УДК 415.562

ЎЗБЕК СОҲАВИЙ ҚАСАМЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ

С.Д. Нурмонова


Мақолада ўзбек тилидаги соҳавий қасамлар умумий интеграл белгиларига кўра, тематик ва темпорал жиҳатдан таснифланган. Уларнинг темпораллик белгиси қўлланиш вақтининг давомийлигига нисбатан ажратилган ва улар мисоллар билан таҳлил қилинган. Бундан ташқари соҳавий қасамларнинг шахсга нисбатан миқдор турлари ҳам ўрганилган. Унда соҳавий қасамларнинг бирлик ва кўплик шакллари изоҳланган. Шунингдек, барча таснифлар турли мисоллар билан тушунтирилган.

Калит сўзлар: *услуб, тематик мазмун, морфологик қурилма, гетерогенлик, интеграл белгилар, тематик мазмун, перманент, имперамент, локаллик белгиси, квантитатив, сингулар, плурал, ритуал қасамлар, персонал қасамлар.*

В статье классифицируются отраслевые присяги в узбекском языке по общим интегральным признакам. Секторальные клятвы классифицируются как по тематике, так и по времени. Их временной признак классифицировался по длительности времени применения и анализировался на примерах. Изучены и количественные виды отраслевых клятв по отношению к личности. Классифицирует формы единственного и множественного числа ветвей клятв. Все классификации объясняются с помощью различными примерами.

Ключевые слова: *стиль, тематическое содержание, морфологический прием, неоднородность, целостный признак, тематическое содержание, постоянное, императивное, локальное, количественное, единственное, множественное число, обрядовая клятва, персональная клятвы.*

Инсон бутун фаолияти давомида тилдан фойдаланади. Бу ишлатишнинг табиати ва шакллари инсон фаолиятининг соҳалари каби хилма-хилдир, лекин уларни тилнинг миллийлик хусусияти бирлаштириб туради. Бир тилдан фойдаланишда ҳам ҳар бир соҳа иштирокчиси индивидуал ўзига хос сўзларни оғзаки ёки ёзма шаклда амалга оширади. Бу фаолиятда ҳар бир соҳанинг ўзига хос шарт-шароитлари мавжуд бўлиб, мақсадларини амалга ошириш учун маълум услубда, тематик мазмунни ёритиш учун маълум грамматик воситалардан фойдаланиб, аниқ морфологик қурилма сифатида нутқ шаклланади. Бу уч нуқта – тематик мазмун, услуб ва морфологик қурилишнинг барчаси бир бутунликда узвий боғланиб, бу алоқа соҳасининг ўзига хос хусусиятларини намоён қилади [1. Б. 182]. Бу ҳолатни қуйидаги чизма билан ифодалаш мумкин:



А – услуб
Б – тематик мазмун
С – морфологик қурилма

Демак, бу жараёнда аввал тематик мазмун аниқланади, кейин услуб танланади ва натижада морфологик қурилма ҳосил бўлади.

Ҳар бир алоҳида сўз, албатта, индивидуалдир, лекин тилдан фойдаланишнинг ҳар бир соҳасига оид нутқ жанрлари бундай сўзларнинг ўзига хос нисбатан барқарор турларини ишлаб чиқади.

Нутқ жанрларининг бойлиги ва хилма-хиллиги чексиз, чунки турли инсон фаолиятининг имкониятлари битмас-туганмасдир ва ҳар бир фаолият соҳасида нутқ жанрларининг бир бутун репертуари ривожланиб, шу соҳанинг ривожланиши ва мураккаблиги билан фарқланиб, ўсиб боради. Айниқса, нутқ жанрларининг ўта гетерогенлигини (оғзаки ва ёзма) алоҳида таъкидлаш зарур.

Кундалик мулоқот турлари мавзу, иштирокчилар таркиби, темпорал ва локал вазиятга қараб турлича бўлиши мумкин. Жумладан, хат (унинг турли шакллари), қисқа стандарт ҳарбий буйруқдан тортиб, публицистик нутқгача (кенг сиёсий маънода). Ушбу қаторга илмий нутқларнинг турли шаклларини ва барча адабий жанрларни (мақолдан тортиб кўп жилдли романгача) киритиш мумкин. Кўринадики, нутқ жанрларининг гетерогенлиги жуда кенглиги сабаб, уларни ўрганишнинг ягона қолипи мавжуд эмас.

Нутқ жанрларининг умумий хусусиятлари жуда мавҳум ва мураккабдир. Лекин нутқ жанрларининг умумий муаммоси тўлиқ ўрганилмаган. Адабий жанрлар эса антик даврдан то ҳозирги кунга қадар уларнинг адабий-бадиий ўзига хосликлари, интеграл ва дифференциал белгилари ўрганилган. Лекин нутқ жанри турларидан бири бўлган қасамлар ва унинг турларининг умумий лингвистик муаммоси эътибордан четда қолган.

Тилшунослик йўналишларида қасамёд нутқий жанри юзасидан тўлиқ билимларга эга бўлмай туриб, бу жанр табиати тўғрисида батафсил гапириб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, қасамёд нутқий жанри табиатини ёритишда, айниқса, унинг миллий-

маданий хусусиятларини ўрганишда унга комплекс ёндашиш мақсадга мувофиқдир [2. Б. 93].

Антик даврдан бошлаб риторик жанрлар ўрганилган, бу борада ўзига хос назария ҳам ишлаб чиқилган. Қадимги Юнонистонда ва Римда нутқ маданиятининг назарий асослари яратилган, нутқ олдига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилган. Бу даврда давлатда савдо-сотиқ ҳамда суд ишларининг ниҳоятда тараққий этиши нотиқлик санъатини юқори даражага кўтарди. Етук инсон бўлиш учун, албатта, нотиқлик санъатини эгаллаш шарт қилиб қўйилади. Ана шу эҳтиёж сабабли нутқ назарияси яратилди ва унда қуйидаги жараёнлар белгиланди:

- материални ҳар томонлама тайёрлаш;
- материални жойлаштириш режасини белгилаш;
- материални ўзлаштириш, нутқ қурилишини тўғрилаш;
- нотиқнинг нутқ материалини ўрганиши;
- материални сўз билан ифодалаш;
- нутқни талаффуз қилиш, яъни нутқ жараёни.

Бу талаблар ҳозир ҳам ўз кучини сақлаб келмоқда. Юқоридаги талаблар асосида соҳавий қасамлар учун умумий бўлган интеграл белгиларни ажратиш мумкин:

1. Ҳар бир соҳавий қасам маълум тематик мазмунга эга бўлади.

2. Соҳавий қасамлар тантанавор услубда ёзилади.

3. Соҳавий қасамларнинг морфологик қурилиши I шахс бирликда шаклланади.

4. Соҳавий қасамлар бошқа қасамлар сингари тантанавор, баланд оҳангда талаффуз этилади.

5. Нутқий вазият ва локал-темпорал белгиларига кўра қасам нутқда воқеланади.

6. Қасамларда тарихийлик, миллийлик белгилари ифодаланади.

Соҳавий қасамларни тематик мазмунига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) персонал қасамёд;
2) ҳарбий қасамёдлар;
3) ҳуқуқшунослар қасамёди;
4) тиббиёт ходимлари қасамёди;
5) спорт мусобақалари қатнашчилари қасамёди;
6) таълим ходимлари қасамёди.

Юқоридаги қасамлардан ташқари “Фуқаролик қасамёди” ҳам бор. Хорижий давлатлар фуқаролигига ўтаётган шахслар ўша давлат фуқароси қасамёдини қабул қилишади. Ушбу соҳавий қасамлар соҳа хусусиятига қараб бир-биридан фарқланади. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос ижтимоий вазифаси мавжуд бўлиб, қасам матни ҳам шунга йўналтирилган бўлади. Масалан, ҳарбий қасамёдларда ҳарбий интизомга қатъий риоя қилиш, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлиш бош мақсад бўлса, тиббиёт ходимларининг қасамёдида бор билим ва маҳоратни беморни даволашга ҳамда инсон соғлиғини сақлашга бағишлаш бош мақсаддир.

Соҳавий қасамлар фақат тематик мазмун жиҳатидан эмас, балки темпорал жиҳатдан ҳам фарқланади:

Пермамент [3. Б. 362] – (доимий, умр давомида риоя қилинадиган) қасамлар: ҳарбий қасамлар, ҳуқуқшунослар қасамёди, тиббиёт ходимлари қасамёди. Бундай қасамларга умрбод содиқ бўлиш талаб этилади. Қасамёд қилган шахс умрининг охиригача олдига қўйилган вазифаларни ҳалол ва бардавом бажариши шарт бўлади.

Имперамент [3. Б. 245] – (вақтинчалик, маълум вақт давомида риоя қилинадиган) қасамлар: спорт мусобақалари қатнашчилари қасамёди ва талабалар қасамёди. Спорт мусобақалари қатнашчилари қасамёди мусобақа тугагунча кучда бўлади. Ёки талабалар ўқиш даври учун қасамёд қиладилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, таълим ходимлари, жумладан, ёш ўқитувчилар қасамёди ҳам пермамент қасам турига киради.

Соҳавий қасамлар локаллик белгисига кўра ҳам фарқланади:

1. Умумлокал қасамлар. Ушбу қасамларга ҳуқуқшунослар қасами киради. Судьялар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи олдида қасамёд қиладилар.

2. Турли локал қасамлар. Бу турга қолган ҳамма қасамлар киради. Жумладан, шифокорлар ўзларига тегишли бўлган тиббиёт ташкилотларида, ёш ўқитувчилар эса ишга юборилган ёки қабул қилинган таълим муассаларида қасамёд қиладилар.

Соҳавий қасамлар квантатив (миқдор) жиҳатдан ҳам фарқланади.

1. Сингулар [3. Б.430] (бирлик, фақат бир шахс қасамёди) қасамлар: президент қасамёди.

2. Плурал [3. Б.368] (кўплик, бир соҳага оид ходимларнинг ҳаммаси қасамёд қилади) қасамлар: ҳарбий қасамлар, ҳуқуқшунослар қасамёди, тиббиёт ходимлари қасамёди, ҳарбий қасамлар, ҳуқуқшунослар қасамёди, тиббиёт ходимлари қасамёди.

Президент қасамёди фақат бир шахсга тегишли бўлса, қолган қасамёдлар ўша соҳа ходимларининг ҳаммасига тегишли бўлади. Демак, қасамлар шахсга нисбатан миқдор жиҳатдан ҳам фарқланади.

Соҳа қасамлари тантанавор ритуал қасамлар турига киради.

Расмий соҳа вакилларининг қасамлари шу соҳаларга тегишли бўлган қонун ҳужжатларида белгиланган бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасамёди Конституциянинг 92-моддасида белгиланган. “Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида қуйидаги қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади” [10. Б. 23].

Президент қасамёди


Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёди

Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд этаман.

Бу қасамёднинг тематик мазмуни белгиланган қонунларга риоя қилган ҳолда халққа хизмат қилишдан иборат, тантанавор, пафосли услубга ва оҳангга эга.

Қасам модели қуйидагича:

... ... хизмат қилишга
... ... риоя этишга
... ... кафолат беришга
... ... виждонан бажаришга



тантанали қасамёд қиламан

Моделдан кўринадики, қасам юқоридан пастга йўналтирилган, яъни олдин нима учун қасам ичилаётганлиги, кейин эса тантанали қасам қисми келтирилган. Персонал қасамёднинг ўзига хослиги шундаки, бу қасам Қуръон ва Конституцияга қўл қўйиб тантанавор қасамёд қилинади. Орқа фонида рамзлар (байроқ, герб) акс этган бўлади.

Ҳарбий қасамёдлар

Ҳарбий қасамёдларга Ўзбекистон Қуролли кучлари сафига кираётган ёшлар ва ички ишлар идоралари ходимининг қасамёди киради. Масалан, аскар қасамёди:

Аскар қасамёди

1. *Мен, Ўзбекистон Қуролли кучлари сафига кирар эканман, халқимга, президентимга содиқ бўлишга тантанали қасамёд этаман.*

2. *Мен Ўзбекистон Республикаси Конституция – қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга, ҳарбий низомларни, командир ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд этаман.*


3. *Сўнгги нафасим қолгунча она ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққат ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларини мустаҳкам сақлашга аждодларимиз руҳи олдида қасамёд қиламан.*

4. *Жонажон Ўзбекистонимизнинг нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан.*

Агар ушбу қасамёдимни бузсам, қонунларда белгиланган жазога ва халқимнинг нафратига мубтало бўлай.

Ҳарбий қасамёд пермамент қасамёд турига кириб, маълум тайёргарликдан кейин аскарлар тантанали равишда қасамёд қиладилар. Аскар қасамёди модели қуйидагича:

... ... тантанали қасамёд қиламан
... ... қасамёд қиламан
... ... қасамёд қиламан
... ... қасамёд қиламан
... ... мубтало бўлай



Кўринадики, қасамёд пастдан юқорига йўналтирилган, қасамёднинг охирида юқоридаги қасамни мустаҳкамлаш вазифасини бажарадиган (“мубтало бўлай”) қисм мавжуд. “Қасамёд қиламан” такрор ишлатилмоқда. Қасамёд бошидаги “тантанали қасамёд қиламан” жумласининг тасдиғи сифатида кейинги такрорлар ишлатилган.

Ҳарбий қасамёдга ички ишлар идоралари ходимининг қасамёдини ҳам киритдик. Бу қасамёд ҳам пермамент қасамёдлар турига киради:

Ҳуқуқшунослар қасамёди

Ҳуқуқшунослар қасамёдига судьялар, прокуратура ходими, нотариус қасамёдларини киритиш мумкин. Ҳуқуқшунослар Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи олдида тантанали вазиятда қасамёд қиладилар. Айнан мана шу белги билан бошқа қасамёдлардан фарқланадилар. Ҳуқуқшунослар қасамёди темпорал жиҳатдан пермамент, локал жиҳатдан турли локал, квантатив жиҳатдан плурал қасамлар турига киради. Суд ходимлари қасамёди икки турга бўлинади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Судъясининг қасамёди.
2. Судьялар қасамёди.

Судлар тўғрисидаги қонуннинг 60-моддасига биноан судьялар қуйидаги тартибда қасамёд қиладилар: Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар судьялари, хўжалик судлари судьялари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисида; Қорақалпоғистон Республикаси олий судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьялари Қорақалпоғистон Республикасининг тегишли олий судлари раёсати мажлисида қасамёд қиладилар. Кўринадики, судьялар қасамёди локаллик белгиси судлар тўғрисидаги қонун билан мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Судьясининг қасамёди ва судьялар қасамёдини таҳлил қилайлик:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Судъясининг Қасамёди

Конституциявий суд судьяси вазифаларини ҳалол ва виждонан бажаришга, Конституциявий тузумни ҳимоя қилишга, бунда фақат ЎзР Конституциясига бўйсунишга тантанали қасамёд қиламан.

Судьянинг қасамёди

Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оиришга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, холис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиламан.

Ҳар иккала қасам судьялар қасамидир. Бу қасамлар тематик жиҳатдан фарқланади, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Судьясининг Қасамёди мазмуни Конституцияга бўйсуниш ва ҳимоя қилиш бўлса, судья қасамёди мазмуни қонунга бўйсунган ҳолда судьялик бурчини адолатли бажаришдан иборатдир. Мазмун жиҳатдан биринчи қасам муҳим ва кучлироқдир. Ҳар иккала қасам модели бир хил:

... ... ҳалол ва виждонан бажариш
... ... конституциявий тузумни ҳимоя қилиш,
... ... қонунга бўйсунган ҳолда амалга ошириш
... ... конституцияга бўйсуниш
беғараз, холис, адолатли бўлиш

→ тантанали қасамёд қиламан

Прокуратура ходимининг қасамёди

Ўз хизмат вазифамни ҳалол ва виждонан бажаришга, қонун бузилишига қарши муросасиз курашишга, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қиламан.

Прокуратура ходими қасамёди тематик мазмун жиҳатидан ҳам, тузилиш жиҳатидан ҳам судья қасамига ўхшашдир.

Нотариус қасамёди

Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 12 августда қабул қилинган) 3-моддасига кўра нотариус Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Олий Малака Комиссиясининг мажлисида қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

Нотариус вазифасини ҳалол ва виждонан бажаришга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан.

Ҳуқуқшунослар қасами ичида нотариус қасами энг қисқа қасам матнига эга. Лекин тематик мазмун жиҳатидан судьялар қасами билан тенгдир. Бу қасам тури ҳам темпорал жиҳатдан permament, локал жиҳатдан умумлокал, квантатив жиҳатдан плурал қасамлар турига киради.

Тиббиёт ходимлари қасамёди

Тиббий ходимлар қасамёдига шифокорлар ва тиббиёт ўқув масканларида ўқишга кирган талабалар қасамёди киради. Бутун дунё шифокорлари "Гиппократ қасамёди" деб номланган қасамни ичадилар. Қуйида шифокорлар қасамёдини таҳлил қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси шифокорларининг қасамёди

Мен, шифокор деган юксак унвонни олиб, тиббиёт фаолиятига киришар эканман,

- ўзимнинг бор билимим ва маҳоратимни беморни даволашга ҳамда инсон соғлиғини сақлашга бағишлашга;

- ёши, жинси, ирқи, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, ҳар бир беморга куч-ғайратим ва вақтимни аямай тиббий ёрдам кўрсатишга;

- беморнинг соғлиғини шахсий манфаатларимдан юқори қўйишга, камтар ва ҳалол бўлишга, ўз билимим ва маҳоратимни доимо ошириб боришга;

- шифокор сирини сақлашга;


- кишиларга ҳамиша меҳр-мурувват ва шифо топишларига ишонч ҳадя этишга;

- буюк зот, Абу Али ибн Сино сингари улуғ табибларнинг шонли анъаналарини давом эттиришга тантанали қасамёд қиламан.

Ушбу қасамёдга умримни охиригача содиқ қолишга қасамёд қиламан.

Қасамёднинг модели қуйидагича:

... ... бағишлашга
... ... ёрдам кўрсатишга
... ... сақлашга
... ... давом эттиришга



тантанали қасамёд қиламан

Қасамёд модели фақат ҳарбий қасамдан фарқланади, қолганлари билан тузилиш жиҳатидан бир хил. Тематик мазмуни беморларни даволаш, инсон соғлигини сақлашдан иборат. Қасам матнида ўзига хосликлардан бири диний бағрикенглик ғояларининг берилишидир. Миллийлик белгиси эса Абу Али ибн Сино мутаффаккир бобомизнинг исми келтирилишидир. Булар ҳаммаси қасам матнининг нақадар муҳимлигини билдирувчи дейктик белгилардир.

Қасам темпорал жиҳатдан permament, локаллик жиҳатдан турли локал, квантатив жиҳатдан плурал қасам турига киради.

Спорт мусобақалари қасамёди

Спорт мусобақасига қатнашаётган ёшлар мусобақанинг масъулиятини, муҳимлигини туйиш учун мусобақалар бошланишидан олдин қасамёд қилишади. Қасамёд қуйидагича:

“Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари қатнашчиларининг қасамёди

Биз,“Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари иштирокчилари, юртбошимиз томонидан бизларга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрлик ва эътиборга жавобан: Билим сирларини чуқур эгаллашга, ўзлигимизни жаҳон ареналарида ҳам намоён этишга, энг аввало, она юртга содиқ фарзанд, элга таянч бўлишга, ватанимиз шон-шуҳратини юксалтириш учун ўзимизнинг бор кучимизни, билим ва заковатимизни, салоҳиятимизни намоён этишга қасамёд қиламиз, қасамёд қиламиз, қасамёд қиламиз.

“Умид ниҳоллари” қасамёди темпорал жиҳатдан имперамент, квантатив жиҳатдан плурал қасам турига киради. Юқоридаги қасам модели қуйидагича:

... ... чуқур эгаллашга
... ... таянч бўлишга
... ... намоён этишга



қасамёд қиламиз, қасамёд қиламиз,
қасамёд қиламиз

Ушбу қасам матнида “тантанали қасамёд қиламиз” ўрнига уч марта “Қасамёд қиламиз” такрорланган. Бу такрор ҳам қасамёднинг муҳимлигини кучайтиради.

Таълим ходимлари қасамёди

Турли соҳа ходимлари сингари таълим ходимлари ҳам қасамёд қиладилар. Ёш ўқитувчилар иш фаолиятини бошлаётган шаҳар ва туман ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларида қасамёд қиладилар. Бу қасамлар темпорал жиҳатдан permament, локаллик жиҳатидан турли локалли, квантатив жиҳатдан плурал қасам турларига киради. Қуйида олий таълим талабаларининг қасамёдларини кўриб чиқамиз.

Талабалар қасамёди


Мен, ..., Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети талабаси бўлар эканман, мустақил давлатимнинг, президентимизнинг олиб бораётган сиёсатини рўёбга чиқаришга, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ қилишда чуқур ва мукаммал билим олишга, университет ички тартиб қоидаларига риоя қилишга, комил инсон бўлиб етишиб, АДУ номини ҳамма жойда доимо оқлашга қасамёд қиламан.

Абу Райҳон Беруний номидаги Техника университетининг талабалари қасамёди тематик жиҳатдан анча кенг. Қасамга ватанпарварлик, миллийлик, диний бағрикенглик, демократия, даврийлик, тарихийлик ғоялари сингдирилган. Қорабоғ, Молдова, Грузия ва Тожикистондаги қонли воқеаларнинг аянчли сабоқлари ҳақидаги мавзу маълум даврга тааллуқли эканлигини билдирса, матннинг Навоий, Улуғбек, Беруний, ибн Сино, ал-Хоразмий каби буюк намоён-

далар ҳақидаги қисми тарихийликни билдиради. АДУ талабаларининг қасами матнига эса ватанпарварлик ғояси, комил инсон ғояси сингдирилган. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ қилиш эса унинг даврийлигини, яъни маълум даврга оидлигини билдиради.

Юқоридаги икки қасамнинг тузилиш модели ҳам фарқланади. Биринчи қасам модели қуйидагича:


... ... тантанали равишда қасамёд қиламан
... ... муқаддас сақлашга
... . мустаҳкамлашга
... . ишни бажаришга
... ... зарба беришга
... ... тарғиб қилишга
... ... ҳимоя қилишга
... ... ҳаракат қилишга
... ... бир умр содиқ қоламан



Қасам моделидан кўриниб турибдики, қасам матни анча мураккаб тузилган. Матн бошида тантанали қасамёд қилиниб, кейин унинг мазмуни очиб берилган. Матн охирида эса қасамни мустаҳкамловчи қисм киритилганки, у матнни бир бутун ҳолатга келтирган, композицион яхлитлигини таъминлаган.

АДУ талабалари қасами матни модели қуйидагича:

... ... рўёбга чиқаришга
... ... билим олишга
... ... риоя қилишга
... ... номини оқлашга



қасамёд қиламан

Бу қасамнинг модели юқоридаги содда моделларга ўхшайди.

Ўзбек соҳавий қасамлари шаклий тузилиши билан бирга мазмуний жиҳатдан ҳам фарқланади. Улардаги локаллик, темпораллик ва квантатив белгилар турлича бўлиб, улар моделлар орқали ифодаланган. Соҳавий қасамлар маълум тематик мазмунга эга бўлиб, уларда миллийлик ва тарихийлик белгилари мавжуд.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўзбек тилидаги соҳавий қасамлар бошқа қасам турларидан ритуал-маросимийлиги, расмий услубдалиги, ўзининг турғун матний композицион тузилиши билан фарқланади. Соҳавий қасамлар семантикасида расмий ваъда бериш, ишонтириш семаси бўлади. Бошқа қасам турларидан фарқли ўлароқ, соҳавий қасамларда ваъда, онт, қасамёднинг нейтрал семантикали қасамёд қилмоқ шакли қўлланилади. Соҳавий қасам матнлари мазмунан расмий ваъдани англатиб, тугал, яхлит шаклда бўлади.

Адабиётлар:

1. *Абдуллаев Б.Х.* Ўзбек реклама лингвистикаси: назария ва амалиёт. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Андижон, 2020. – 52 б.
2. *Бахтин М.М.* Проблема речевых жанров // В кн.: Литературно-критические статьи. – Москва: Художественная литература, 1979. – С. 428–472.
3. Нотариус қасамёди. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14-сентябрдаги ЎРҚ 255-сонли Қонуни. [Интернет манба]. URL: http://lex.uz/docs/54458 (Мурожаат этилган сана: 2.04.2022)
4. *Хасанова Ф.* Инглиз ва ўзбек тилларида қасамёд нутқий жанрининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс... автореф. – Тошкент, 2019. – 93 б.
5. *Дўстматов Х.* Аския матни лингвостилистикаси. – Тошкент: Фан, 2015. – 221 б.
6. *Сиразиева З.Н.* Клятва как речевой жанр в русскоязычной и англоязычной лингвокультурах: Автореф.дисс. канд. филол.наук. – Казань, 2012. – 24 с.
7. Судлар тўғрисидаги қонун. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 15 июнда қабул қилинган. Сенат томонидан 2021 йил 26 июнда маъқулланган. [Интернет манба]. URL: http://lex.uz/docs/54458 (Мурожаат этилган сана: 12.02.2022)
8. *Рабенько Т.Г.* Клятва как фидеистический речевой жанр // Вестник Челябинского государственного университета, 2010. Филология. Исткусствоведение. Выпуск 43. – № 13(194). – С.122– 126
9. Ҳарбий қасамёд тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори. 1992, 3 июль. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992. – № 9. 348-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 40 б.
11. *Бўтаев Ш., Ирисқулов А.* English-Uzbek, Uzbek-English dictionary. – Тошкент: Фан, 2009. – 847 б.

OCCUPATION OF SOCIO-CULTURAL RELATIONS IN UZBEK SECTOR OATHS

S.D. Nurmonova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 3 (63). 101-108.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: style, thematic content, morphological device, heterogeneity, integral characters, thematic content, permanent, imperative, local character, quantitative, singular, plural, ritual oaths, personal oaths.

In the oath genre, persuasion is made as a result of a verbal process, an oath is taken to fulfill a promise, and an oath leads to an oath. Apparently, the speaker makes a promise (simple promise) in the process of convincing the listener of his actions, his words, swears (firm promise) at the beginning of the process of persuasion, and swears in the process of constant fulfillment.

This article provides sectoral oaths and their classification, which is one of the types of oaths in the Uzbek language. Sectoral oaths, which are one of the types of oaths, and their various manifestations are analyzed.

The main purpose of the work is to divide the Uzbek oaths into genres and determine their national-cultural characteristics.

Descriptive, component analysis methods were used in the coverage of the topic.

The main task of the work is to reveal the national features of the formal-compositional structure of sectoral oaths in the Uzbek language, to determine their types and to divide them into groups. In the article, sectoral oaths are divided into the following types on the basis of common integral symbols:

1. Each sectoral oath has a specific thematic meaning.
2. Sectoral oaths are written in a ceremonial style.
3. The morphological structure of sectoral oaths is formed in the first person singular.
4. Sectoral oaths, like other oaths, are pronounced in a solemn, high tone.
5. Oath is made in speech according to the speech situation and local-temporal signs.
6. Oaths represent historical and national symbols.

Sectoral oaths are quantitatively singular (singular) and plural (plural) were divided into species such as the unity and collectiveness of the sworn persons was determined.

In the article, sectoral oaths of the Uzbek language are classified thematically and temporally according to common integral features. Their temporal sign was separated relative to the duration of application time and they were analyzed with examples. Quantitative types of sectoral oaths in relation to the individual have also been studied. It explains the singular and plural forms of branch oaths. All the classifications are explained with different examples.

In conclusion, it can be said that sectoral oaths in the Uzbek language differ from other types of oaths by their ritual, formal style, and their stable textual compositional structure. In the semantics of sectoral oaths, the formal promise is the semaphore of persuasion. Unlike other types of oaths, sectoral oaths use the neutral semantic form of oath. The sectoral oath texts are in a complete, coherent form, conveying a formal promise of content.

References:

1. Abdullaev, B.X. (2020) O‘zbek reklama lingvistikasi: nazariya va amaliyot [Uzbek advertising linguistics: external and cargo]. Abstract of Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philological Sciences. Andijan.

2. Bahtin, M.M. (1979) Problema rechevyh zhanrov [Problems of speech genres]. In: Literaturno-kriticheskie stat'i [Literary-critical articles]. Moscow: Hudozhestvennaya literatura.

3. Notarius kasamyodi [Notary oath]. O‘zbekistonning 2010 yil 14-sentabrdagi O'RQ 255-sonli qonuni [Law of the Republic of Uzbekistan No. ZRU No. 255 of September 14, 2010]. [Online]. URL: http://lex.uz/docs/54458 (Date of access: 2.04.2022)

4. Xasanova, F. (2019) Ingliz va o‘zbek tillarida qasamyod janrining qiyosiy-tipologik tadqiqi [Comparative-typological study of the genre of swearing in English and Uzbek]. Abstract of Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philological Sciences. Tashkent.

5. Dustmatov, H. (2015) Askiya matni lingvostilistikasi [Linguistic stylistics of the Askiya text]. Tashkent: Fan.

6. Sirazieva, Z.N.(2012) Klyatva kak rechevoj zhanr v russkoyazychnoj i angloyazychnoj lingvokul'turah [Oath as a speech genre in Russian and English linguocultures]. Abstract of Dissertation for the Candidate of Philological Sciences. Kazan.

7. Sudlar to‘g‘risidagi qonun [Law on Courts]. O‘zbekiston Respublikasi qonunchilik palatasi 21-yil 15-yozuvga qo'shimcha. Senat 2021-yil 26-yilda ma'qullangan [Legislative Chamber of the Republic of Uzbekistan

The Senate approved the 2021 on the 26th]. [Online]. URL: http://lex.uz/docs/54458 2.04.2022 (Date of access: 12.02.2022)

8. Raben'ko, T.G. (2010) Klyatva kak fideisticheskij rechevoj zhanr [Oath as a fideistic speech genre]. Vestnik Chelyabinskogo gosudarstvennogo universiteta, Filologiya. Istkusstvovedenie. Vypusk 43. No. 13(194). Pp.122-126

9. Harbiy qasamyod (1992) [On the military oath]. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining qarori. 1992 yil, 3 iyul. O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi. No 9. 348-modda [Resolution of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan. 1992, July 3. Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1992. No 9. Article 348.

10. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. (2012). [The Constitution of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent: O‘zbekiston.

11. Bo‘tayev, Sh., Irisqulov, A. (2009) Inglizcha-o'zbekcha, o‘zbekcha-inglizcha lug'at [English-Uzbek, Uzbek-English dictionary]. Tashkent: Fan.

Муаллиф ҳақида маълумот:

НУРМОНОВА Садоқат Дониёр қизи – Андижон давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси, стажёр-тадқиқотчи. E-mail: nurmonova3115@mail.ru